

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**48-сон**  
**(912)**  
**2019 йил**  
**2 декабрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

882. «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ–5883-сон Фармони
883. «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4536-сон қарори
884. ««Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4537-сон қарори
885. «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 ноябрдаги ПҚ–4538-сон қарори

*Учинчи бўлим*

886. «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги 948-сон қарори
887. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги 951-сон қарори
888. «Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 952-сон қарори

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **882 Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилган ҳолда сувдан фойдаланиш, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишни таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар яратилган, сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, глобал иқлим ўзгариши туфайли республикада қуруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда қор захиралари майдони камаймоқда, камсувлик такрорланиши тобора кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида сув танқислиги келиб чиқиш хавфининг ошишига олиб келади.

Шу билан бирга, мамлакат сув балансини бошқаришда ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш зарур даражада олиб борилмаяпти, шунингдек, сув ресурслари сифати ва хавфсизлиги мониторингини амалга оширишнинг самарали тизими яратилмаган.

Сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг хавфсиз ва сифатли сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш, сув балансини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг сув таъминоти ва сув чиқариш тизимини ривожлантириш стратегияси концепцияси ишлаб чиқиляётгани маълумот учун қабул қилинсин:

республиканинг Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мо-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

ниторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлашнинг ягона марказлаштирилган тизимини яратиш, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш;

республика сув таъминоти корхоналари негизида сув таъминоти ва сув чиқариш тизимлари объектларини эксплуатация қилишда ягона оператор функциясини бажаришни амалга оширадиган алоҳида корпоратив тузилмани ташкил этиш;

республиканинг сув ресурсларини бошқариш тизимини автоматлаштиришни ва ушбу соҳадаги барча бизнес жараёнларини рақамли форматга ўтказишни таъминлайдиган «Рақамли сув таъминоти корхонаси» тизимини жорий этиш;

соҳа корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш мақсадида инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб этиш;

замонавий талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

2. Вазирлик Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлашни мувофиқлаштириш соҳасида, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин ва унинг зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

сув балансининг ягона ахборот тизимини яратган ҳолда Ягона давлат сув фонди сувларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотларнинг маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали республиканинг ягона сув балансини шакллантиришни ташкил этиш;

сувни ҳисобга олишнинг ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги мониторингини ўтказиш, зарур бўлганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тоза ичимлик сувининг стратегик захираларини яратишни ташкил этиш, шу жумладан катта ҳажмдаги захира манбаларини барпо этиш;

сувдан фойдаланиш соҳасида замонавий инновацион технологияларни, шу жумладан сувнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни мувофиқлаштириш, уларнинг республика сув балансининг ягона ахборот тизимига интеграциялашувини таъминлаш.

3. Вазирликнинг марказий аппарати таркибига Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимида замонавий технологияларни

жорий этишни ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилсин.

4. Вазирлик марказий аппарати таркибида:

Ягона сув балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси;

Ягона давлат сув фонди сувларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бошқармаси;

Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларига замонавий технологияларни жорий этиш бошқармаси тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Вазирликда янги ташкил этилаётган бошқармаларнинг штатлари сони Вазирликнинг марказий аппарати ва худудий бўлинмаларининг тегишли штатлар сонини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

5. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси сифатида қайта ташкил этиб, амалдаги вазифа ва функцияларини, шунингдек, молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Вазирлик таркибига ўтказиш;

«Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамиятини ташкил этиш ва унинг устав капиталини мазкур Фармоннинг 1-иловасида\* кўрсатилган Вазирликнинг давлат унитар корхоналари устав капиталдаги давлат активлари ва улушларини топшириш ҳисобига шакллантириш, шунингдек, ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш;

2020 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг кўрсатилаётган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш бўйича функцияларини «Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларга ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлик томонидан Ягона давлат сув фондининг барча сувлар турларига нисбатан миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи республика сув балансининг ягона ахборот тизими юритилади;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази Ягона давлат сув фондининг барча сувлар турларига нисбатан миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини тизимли равишда Вазирликка тақдим этиб боради;

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлик сувни ҳисобга олишнинг тўғрилигини, унинг хавфсизлиги ва сифатини тасдиқланган ва янгиланган маълумотларни ягона маълумотлар базасига киритган ҳолда мониторинг қилади, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқади ҳамда уларни сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли органлар ва ташкилотларга жўнатади;

Вазирлик тизимли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига сувни ҳисобга олиш ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, шунингдек, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш тўғрисидаги ҳисоботни аниқ таклифлар билан тақдим этиб боради.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом ва республика аҳолисини сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқласин.

8. Молия вазирлиги Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда сув таъминоти корхоналарининг халқаро молия институтлари олдидаги қарздорлигини хатловдан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига молиявий юкни камайтирган ҳолда уни қоплаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда келгуси йилларда халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилган сув таъминоти ва сув чиқариш тизимини яхшилаш бўйича лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, шунингдек, паст рентабелли лойиҳалар ва тақдим этилаётган хизматлардан кредит қопланиши 50 фоиздан кам бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилишига йўл қўймаган ҳолда улар бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишни таъминласин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда хорижий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларини модернизация қилиш ва бошқариш бўйича давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда сувдан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари, ягона ёндашув, автоматлаштириш механизмлари ва босқичларини ишлаб чиқиш ва унинг барча жараёнларини рақамли форматга ўтказишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

13. Вазирлик манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 ноябрь,  
ПФ-5883-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги  
ПФ-5883-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5017-сон Фармонининг 2-банди:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлик ва сифатини таъминлаш, шунингдек, ягона сув балансини шакллантиришни мувофиқлаштириш»;

учинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — ўн биринчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ҳудудларни ободонлаштириш соҳаси муаммоларини ўрганиш ва методологик таъминлаш»;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча саккизинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик суви-дан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5018-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-5059-сон Фармонида:

а) 2-бандида:

учинчи хатбошидаги «, водопровод ва канализация тармоқларига, сув қувурларига» сўзлари «тармоқларига» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилардан «ва сув» сўзлари чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошидаги «ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-бандида:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5241-сон Фармонида:

1 — 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8-бандда «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2899-сон қарорида:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»

б) 1-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

бешинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги» сўзлари «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 2 ва 3 — бандларда «Давсувинспекция» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

г) 1-иловининг рус тилидаги матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА**

#### **Инспекции по контролю за использованием питьевой воды при Министерстве жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан**

Инспекция по контролю за использованием питьевой воды при Министерстве жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан

Инспекции по контролю за использованием питьевой воды в Республике Каракалпакстан, областях и г. Ташкенте

Общая предельная численность управленческого персонала — 73 единицы, из них:

численность управленческого персонала центрального аппарата — 17 единиц;

численность управленческого персонала в Республике Каракалпакстан, областях и г. Ташкенте — 56 единиц»;

д) 2-иловининг рус тилидаги матнида:  
номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«СТРУКТУРА**

#### **центрального аппарата Инспекции по контролю за использованием питьевой воды при Министерстве жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан»;**

«Спец. часть 1 ед.» блоки чиқариб ташлансин;

«Отдел по контролю за соблюдением технологических требований к производству и транспортировке питьевой воды 3 ед.» блокадаги «3 ед.» сўзлари «4 ед.» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2900-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «бошқарув ходимлари чекланган сони 92 нафардан иборат» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

иккинчи хатбоши «инспекцияси» сўзидан кейин «ва Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун оқова сувга тааллуқли қисми бўйича компенсация тўловларининг 74 фоизи;

халқаро донорларнинг грантлари, хайрия маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда белгиланадиган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ суммаси;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Белгилансинки, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ суммаси мақсадли тушум ҳисобланади, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди, шунингдек, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хизмат кўрсатувчи банкларда сув таъминоти ташкилотларига ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ маблағларини жамлаш учун махсус ҳисобварақ очилишини таъминласин ва маблағларни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилсин»;

в) 1-илованинг\* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

г) 1а-илованинг\* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

д) 2-илованинг\* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

е) 3-илованинг\* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

ж) 4-илованинг\* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

з) 8-илованинг рус тилидаги матнида:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Средства Фонда формируются за счет следующих источников:

средства, поступающие от штрафов, налагаемых Инспекцией по контролю в сфере эксплуатации многоквартирного жилищного фонда и Инспекцией по контролю за использованием питьевой воды при Министерстве жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан;

---

\* Иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кредиты, привлекаемые на развитие жилищно-коммунального хозяйства, в том числе льготные кредиты, международных финансовых институтов и коммерческих банков Республики Узбекистан;

74 процента от компенсационных выплат за загрязнение окружающей среды и размещение отходов на территории Республики Узбекистан в части, касающейся канализационных сбросов;

гранты международных доноров, благотворительные пожертвования;

сумма специальных надбавок к тарифам на услуги питьевого водоснабжения и канализации, устанавливаемых Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента по согласованию с территориальными финансовыми органами;

доходы от размещения временно свободных средств Фонда и другие поступления, не запрещенные законодательством.»;

5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Специальная надбавка к тарифам на услуги питьевого водоснабжения и канализации (далее — специальная надбавка), взимаемая с потребителей одновременно с тарифами при осуществлении расчетов с ними за оказанные услуги, устанавливается Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента по согласованию с территориальными финансовыми органами.

Специальная надбавка является целевым поступлением, не включается в налогооблагаемую базу при исчислении всех видов налогов и других обязательных платежей, а также не подлежит отражению в отчете о финансовых результатах организаций водоснабжения и канализации».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2910-сон қарорида:

а) 8-банднинг биринчи хатбоши ва 10-банддаги «Соф ичимлик суви» сўзлари «Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-иловининг рус тилидаги матнида:

сарлавҳадаги, 1 ва 9-бандлардаги ҳамда 10-банднинг биринчи хатбошидаги «Чистая питьевая вода» сўзлари «Развития систем водоснабжения и канализации» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «открываемые Министерством финансов» сўзлари «открываемые в информационной системе Министерства финансов» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3016-сон қарорида:

а) 1 ва 2-иловалардаги «сув таъминоти, сув чиқариш ва» ҳамда «ва сув» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловадан «сув» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 4-иловада:

9-бандда:

учинчи хатбошидаги «, водопровод ва канализация тармоқларига, сув қувурларига» сўзлари «тармоқларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «сув» сўзи чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилардаги «ва сув» сўзлари чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошидан «ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг «б», «в», «г», «д», «е» ва «ж» кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш соҳасида:

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш, энергия ресурсларини ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўради;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ҳамда энергия ресурсларини ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширади;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўради;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишда ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ҳамкорлик қилади;

в) энергия ресурслари учун тўловлар, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтиришни таъминлаш соҳасида:

истеъмолчилар, истеъмол қилинган энергия ресурслари, улар учун амалга оширилган тўловлар, юзага келган қарздорлик, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳоли томонидан амалга оширилган мажбурий тўловлар ҳисобини шакллантириш ва юритишда қатнашади;

истеъмолчилар, электр ва газ тармоқларига уланиш нуқталари тўғрисида, шунингдек, истеъмол қилинган энергия ресурслари ҳажмларини аниқлашда электр ва газ таъминоти ҳамда бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинувини амалга оширади;

энергия ресурслари учун тўловларни, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини ташкил қилади;

истеъмолчи — юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг қарздорлиги сўзсиз ундирилишини амалга оширади, электр ва газ таъминоти корхоналари манфаатида қарздорликни ундириш бўйича талабномадаъво ишларини олиб боради;

ижро ҳужжатлари асосида энергия ресурслари учун қарздорликлар, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни мажбурий ундиришни амалга оширади;

г) энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш соҳасида:

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича лойиҳа ва дастурларнинг ўз муддатида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг олиб боради;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш билан боғлиқ маълумотларни талаб қилиб олади;

энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича лойиҳа ва дастурларнинг ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўради;

д) энергия ресурсларини сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш соҳасида:

энергия ресурсларини тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳажмларини, шу жумладан, назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали мониторинг қилади;

белгиланган муддатларда истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини олади, уларнинг шахсий варақларига маълумотларни киритади, энергия ресурсларини истеъмол қилишнинг ойлик ҳажмларини аниқлайди (электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган истеъмолчилар бундан мустасно);

истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларнинг ҳар бир истеъмолчига тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобланишини ўрганади;

энергия ресурсларини тақсимлаш ва сотишнинг белгиланган тартибини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чораларни кўради;

е) энергия ресурсларини эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича истеъмолчиларнинг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш соҳасида:

энергия ресурслари учун тўловларнинг, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ўз

вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари сўзсиз ва ихтиёрий ижро этилиши юзасидан истеъмолчиларнинг маданиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўради;

оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади, уларни ўз фаолияти натижалари тўғрисида хабардор қилади, ушбу мақсадларда семинарлар, брифинглар, пресс-конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиши;

ж) комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари учун тўловлар ҳисоб-китоб қилинишини, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан келиб тушадиган мажбурий тўловларнинг тўланишини таъминлаш, мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, энергия ресурслари учун тўловлар ҳисоб-китоб қилинишини, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан мажбурий тўловларни ундиришни таъминлаш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ва умумлаштиради, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Бюро фаолиятининг натижалари, ижро иши юритиш ва энергия ресурслари учун тўловларнинг, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ундирилиши ҳақида статистик маълумотлар базасини шакллантиради ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди;

энергия ресурсларидан фойдаланиш, қаттиқ маиший чиқиндилар соҳасида шартнома-тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

самарали иш услубларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қилади, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш чораларини кўради;

Бюро фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилади ва ахборот хавфсизлигини таъминлайди»;

11-банднинг «б» кичик банди ва 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

б) энергия ресурслари учун тўловлар, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш соҳасида:

энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда текширишлар ўтказиш;

энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини назорат қилиш ва мониторингини амалга ошириш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларни тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳамда улар томонидан киритилган тўловларнинг ҳисоби тўғри олиб борилишини назорат қилиш учун зарур бўлган

маълумотларни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш;

жисмоний ва юридик шахсларга энергия ресурслари бўйича қарздорлик, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тароҷ ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни электр ҳамда газ тармоқларидан узиш;

электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳамда Бюронинг талабномалари ижро этилмаган ҳолларда алоҳида истеъмолчиларни 6 — 10 кВ ва ундан юқори кучланишли электр энергия тармоқларидан узиш ҳақида электр таъминот корхоналарига талабномалар бериш;

энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари бартараф этилган ҳамда тўловлар тўлиқ амалга оширилганда, илгари электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилган истеъмолчиларни қайта улаш (алоҳида истеъмолчиларни улаш ҳақида талабномалар юбориш);

электр ва газ тармоқларига қайта улаб берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ундириш;

энергия ресурслари истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини пломбалашда иштирок этиш;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари учун тўловлар ҳамда қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисоб-рақамларидан сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйиш;

етказиб берилган энергия ресурслари, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходим — истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

етказиб берилган энергия ресурслари учун тўловлар ҳамда қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун мажбурий тўловлар учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг пластик карталарига хизмат

кўрсатиладиган банк ҳисобрақамларидан низосиз тартибда ҳисобдан чиқариш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, Бюро ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш;

Бюро ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган мулкӣ зарарни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритиш;

давлат органларига ва бошқа ташкилотларга, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларга ўзига тааллуқли ваколатлар доирасида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш.

Бюро қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Бюро қўйидагилар учун жавобгардир:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш;

энергия ресурслари учун тўловлар, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурсларидан ноқонунӣ фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича таклифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

юклатилган бошқа вазифаларни самарали бажариш.»;

21-банднинг олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюронинг бошқа ходимлари фаолиятни меҳнат шартномаларига асосан, прокуратура органларига қабул қилишда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширади. Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари энергия ресурслари ва маиший чиқиндилар бўйича қарздорликни ундириш ва назорат қилиш гуруҳлари (шуъбалари)нинг давлат инспекторлари, қоида тариқасида, олти ой муддатга тузиладиган меҳнат шартномаларига асосан ишга қабул қилинади. Ушбу ходимлар билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг асосий шarti — бириктирилган ҳудудда энергия ресурслари учун қарздорлик, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндилар тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлардан қарздорликнинг 80 фоиздан кам бўлмаган микдорда ундирилишини таъминлаш ҳисобланади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**883 Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5883-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи сув таъминоти давлат унитар корхоналари негизида, ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш орқали «Ўзсувтаъминот» АЖ ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Сув таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни изчил давом эттириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш ва мамлакатнинг ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида:

## 1. Белгилансинки:

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар қайта тузилаётган тегишли давлат унитар корхоналарининг шартномалари, ҳуқуқлари (2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 381,7 млрд сўм дебитор қарздорлик) ва мажбуриятлари (2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 499,8 млрд сўм кредитор қарздорлик) бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталлари қайта ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг мол-мулкани қолдиқ қиймати бўйича топшириш ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзсувтаъминот» АЖ устав капиталини шакллантириш учун ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг давлат улушини топшириш номинал қиймати бўйича амалга оширилади;

«Ўзсувтаъминот» АЖ устав капиталидаги акцияларнинг давлат пакети бўйича акциядор функциялари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) давлат унитар корхоналарини қайта ташкил этиш яқунлангунга қадар уларнинг мол-мулки сақланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ҳар бир тадбир ўтказилишининг аниқ муддатлари ва масъул шахсларни, жумладан, қайта ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг активлари ва мажбуриятлари хатловдан ўтказилишини кўзда тутган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар давлат унитар корхоналарини қайта ташкил этиш тартиб-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

таомилларининг тугатилишини назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги белгиланган тартибда қўйидагиларни таъминласин:

ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта ташкил этиш;

«Ўзсுவтаъминот» АЖнинг устав капиталини шакллантириш ва унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш;

Вазирлик билан биргаликда зарур тажриба ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали, хусусан, хорижий мутахассисларни, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларига жалб қилишда «Ўзсுவтаъминот» АЖга кўмаклашиш.

3. «Ўзсுவтаъминот» АЖ:

эмиссион қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш йиғимларидан;

қайта ташкил этилаётган давлат унитар корхоналарининг автотранспорт воситалари топширилишини қайта рўйхатдан ўтказишда автотранспорт йиғимларини тўлашдан озод этилсин.

«Ўзсுவтаъминот» АЖга юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ва жамият маблағлари ҳисобидан уларга эркин конвертация қилинадиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг миқдорини белгилашга рухсат этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари зиммасига сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларини самарали эксплуатация қилиш, ривожлантириш, модернизациялашни, шунингдек, уларни бошқаришга, жумладан, барча иш жараёнларини автоматлаштиришни назарда тутувчи инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Қўйидагилар:

2020 йилда республиканинг ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастури 1-иловага\* мувофиқ;

2020-2021 йилларда ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларда ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлар)ни ўрнатиш графиги 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасидаги Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасини шакллантириш, шунингдек, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни кейинчалик молиялаштириш учун Осиё тараққиёт банки билан 15 млн АҚШ доллари миқдорида қарз маблағлари ажратилиши тўғрисида келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик:

2020 йил 1 майга қадар Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жамғармасининг маблағлари ҳисобидан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида ҳисоб юритилиши ва мониторингни, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларнинг замонавий ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлари) билан жиҳозланишини таъминловчи замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилишини;

2020 йил 15 июлга қадар Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлар)-ни харид қилиш ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларни улар билан таъминлаш юзасидан лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. Вазирлик, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг сув таъминоти корхоналарининг 2019 йил 1 октябрь ҳолатига қўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, электр энергиясини етказиб берувчилар олдидаги, жумладан, муддати ўтган қарздорлигини тўловларни 5 йил муддатга, шу муддатдан кейинги 5 йил мобайнида ҳар ой бир меъёрда сўндирган ҳолда кечиктириш ҳамда ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун ҳисобланган пеняларни 3-иловага\* мувофиқ ҳисобдан чиқариш йўли билан реструктуризация қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар республикада эксплуатация қилинаётган сув таъминоти ва сув чиқариш тизими объектлари учун ускуна, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2020 йил 1 мартга қадар қишлоқ аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлаш учун халқаро ва хорижий молиявий (грант) ва техник кўмак лойиҳаларини жалб қилишга доир аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Вазирлик марказий аппарати, унинг ташкилий тузилмасига кирувчи, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган ҳудудий бўлинмалари ва ташкилотларининг ходимларига қонунчиликда назарда тутилган устама ва қўшимча тўловлардан ташқари Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатда юқори натижаларга эришганлиги учун ходимлар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ белгиланадиган рағбатлантирувчи тўловлар тўланиши белгилансин.

Вазирлик бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу бандга мувофиқ Вазирлик ходимларига рағбатлантирувчи тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларга мувофиқ:

тижорат банклари билан биргаликда давлат унитар корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинган кредит мажбуриятларининг қайта расмийлаштирилишини таъминласин;

давлат унитар корхоналарининг мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартиришлар киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда:

ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминланган ва таъминланмаган барча аҳоли пунктларини хатловдан ўтказсин;

2020 — 2030 йиллар даврида тегишли ҳудуд аҳолисини ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлашнинг аниқ мақсадли кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда сув таъминоти ва сув чиқариш объектларини кенгайтириш схемалари ва манзилли дастурини тасдиқласин;

сув таъминоти ва сув чиқариш тизимлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига ҳамда тегишли аҳоли пунктларининг аҳолиси томонидан тузиладиган марказлашмаган сув таъминоти ташкилотларига топширилиши лозим бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини шакллантирсин.

13. Вазирлик бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 ноябрь,  
ПҚ-4536-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**884 «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Умумий ўрта таълим тизимида илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга умумий ўрта таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати уларнинг фаолиятидаги тизимли муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини яратиш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий-техник таъминоти ва таълим бериш сифатидаги тафовутни қисқартириш ҳамда ўқувчи-ёшларнинг таълим олишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш ва муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш орқали умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тизимида умумий ўрта таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг илғор архитектура ечимлари ва энергия тежовчи технологиялар асосида барпо этиладиган ҳамда жиҳозланадиган, халқаро талаблар асосида сифатли таълим-тарбия бериш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 мартга қадар:

а) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда хорижий тажриба ва мамлакатнинг табиий иқлим шароитларига мос, экологик тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбалари, энергия тежовчи ҳамда илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллашни назарда тутувчи «Замонавий мактаб»ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳаларини;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан жиҳозлашнинг янги меъёрларини;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда:

«Замонавий мактаб»ларга қўйиладиган талабларни, шу жумладан, мазкур мактабларнинг дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадий ва бошқа адабиётлар билан таъминланганлик даражасига, ўқув-тарбия жараёнига ҳамда дарсдан ташқари фаолиятига ҳамда раҳбар ва педагог кадрларига қўйиладиган талабларни;

умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаб»ларга қўйиладиган талаблар асосида баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Инновация, технология ва стратегия маркази» давлат унитар корхонаси умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаблар»га қўйилган талаблар асосида баҳолаш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади;

«Замонавий мактаблар»га қўйиладиган талабларга мос келадиган умумий ўрта таълим муассасаларига тегишли даражадаги мувофиқлик сертификати берилади;

2020 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, «Замонавий мактаб»ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳалари ва жиҳозлаш меъёрлари асосида амалга оширилади.

4. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Инновация, технология ва стратегия маркази» давлат унитар корхонасининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаб»га қўйилган талаблар асосида баҳолаш орқали уларга мувофиқлик сертификатини бериш;

умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш жараёнига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этиш;

замонавий ва шаффоф баҳолаш услубларини жорий этиш бўйича илғор тажрибани оммалаштириш;

«Замонавий мактаб» талаблари асосида баҳолаш бўйича умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлашнинг электрон платформасини ишлаб чиқиш ва унинг юритилишини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаб» талабларига мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Қўйидагилар:

2020 — 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаб» талаблари асосида янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари (кейинги ўринларда — асосий параметрлар) 1-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини «Замона-

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вий мактаб» талаблари асосида қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастурлари (кейинги ўринларда — манзилли дастурлар) 2а, 2б ва 2в-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

асосий параметрлар ва манзилли дастурларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5717-сон Фармонига мувофиқ инвестиция дастурлари доирасида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш уларни тўлиқ жиҳозлаш билан биргаликда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан:

а) янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ҳамда мукаммал таъмирланадиган умумий ўрта таълим муассасаларини жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) юзасидан харидларни амалга ошириш бўйича буюртмачи этиб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси;

б) умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи этиб:

Тошкент шаҳрида — «Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — «Инжиниринг компанияси» ДУК);

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялар белгилансин.

7. «Инжиниринг компанияси» ДУК «Замонавий мактаб» талаблари асосида намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун буюртмачи этиб белгилансин ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини «Замонавий мактаб» талаблари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига мос равишда сифатли бажарилганлиги устидан назорат олиб борсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари:

а) умумий ўрта таълим муассасалари учун:

---

\* 2а — 2в-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳаларнинг «Инжиниринг компанияси» ДУК техник топшириғи асосида ишлаб чиқилиши ва келишилишини;

лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш бўйича «Инжиниринг компанияси» ДУК билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилишини таъминласин;

б) «Инжиниринг компанияси» ДУКга умумий ўрта таълим муассасаларида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати юзасидан якуний назорат амалга оширилиши учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этсин.

9. Белгилансинки, умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида сифатсиз бажарилган, белгиланган техник талабларга мос келмаган ҳолда бажарилган ҳамда ортиқча ҳажмда кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича ундирилган суммаларнинг 90 фоизи тегишли объектлардаги аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бўйсунувига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг махсус шахсий газна ҳисобварақларига, 10 фоизи эса «Инжиниринг компанияси» ДУКнинг махсус ҳисоб рақамига ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирларига йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2020 — 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини:

янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш — Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган инвестициялар маблағлари;

мебель, ўқув-лаборатория, спорт анжомлари ва ўқитишнинг техник воситалари билан таъминлаш — Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган инвестициялар маблағлари, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

компьютер техникаси ва ички локал тармоқ (тармоқ ускуналари) билан таъминлаш — халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

замонавий иситиш тизими билан таъминлаш — Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг 2а, 2б ва 2в-иловаларида назарда тутилмаган умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаб» талаблари асосида комплекс ривожлантиришни амалиётга татбиқ этиш учун халқаро молия институтлари кредит ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарорининг 5-банди олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой

муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 ноябрь,  
ПҚ-4537-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**885 Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида илғор хорижий технологияларни фаол жорий этиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, шунингдек, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) 2019 йил 13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) ўртасида «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун 2 фоиз ставкада, шу жумладан 5 йил имтиёзли даврга 25 йилда қоплаш муддати билан қиймати 150,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз битими имзоланганлиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 237,45 млн АҚШ доллари эквивалентини, улардан:

150 млн АҚШ доллари ОТБнинг қарзи;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

56,15 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар Лойиҳа иштирокчилари (бенефициарлар)нинг улуши;

31,30 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклида — 22,46 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклида — 8,84 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улушини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Белгилансинки:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, унинг мувофиқлаштирилиши ва бошқарилиши, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисобот юритилиши учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредит линиясини бошқариш, ОТБнинг қарзи ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига юкланади;

Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2020 — 2024 йиллар) ташкил этади.

## 3. Қўйидагилар:

«Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

«Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банкининг қарздан фойдаланиш схемаси 2-иловага\* мувофиқ;

«Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Осиё тараққиёт банкининг қарзини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга оширишнинг прогноз жадвали 3-иловага\* мувофиқ;

«Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида ОТБ томонидан ажратилган қарзни ишлатиш тартибини, сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини кўрсатган ҳолда, кредитни қайта молиялаштиришнинг муддатлари ва шартлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

---

\* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги вазири, Агентлик бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот ҳамда зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этишни ўз вақтида ташкиллаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан ОТБ томонидан ажратиладиган қарзни қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, уларга Агентлик ва Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари билан келишилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига:

Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасидаги қарз битими;

Лойиҳа доирасида Агентлик ҳамда Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари билан ОТБнинг қарз маблағларини қайта кредитлаш битимлари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар юзасидан ўрнатилган тартибда юридик хулосалар берсин.

8. Қўйидагилар:

Лойиҳани амалга ошириш доирасида ОТБ қарзи ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинсин.

Белгилансинки:

мазкур бандга мувофиқ тақдим этилган имтиёзларнинг амал қилиши Лойиҳа доирасида қайта молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам жорий этилади;

ушбу имтиёзлар натижасида бўшаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирига, Иқтисодиёт ва саноат вазирига, Молия вазирига Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирига Агентликнинг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига Агентликнинг

буюртманомалари бўйича Лойиҳа доирасида жалб этиладиган чет эллик мутахассисларга кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига вақтинча прописка қилиш ва вақтинчалик прописканинг муддатини узайтиришни давлат божи ундирмасдан таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 ноябрь,  
ПҚ-4538-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **886** Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида\*

Бугунги кунда республика бўйича жамоат транспортида, шу жумладан, автобус, метро, трамвай, троллейбус йўналишларида бир кунда 3 миллионга яқин, йил давомида 1,1 миллиарддан ортиқ йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида автобус йўналишларида 808 миллион, метрополитенда 56 миллион, трамвайда 3,2 миллион ва троллейбусда 525 минг нафар йўловчи ташилиб, 872 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилган.

Бирок, ўтказилган таҳлил натижалари умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчиларга хизмат кўрсатишда қатор ечимини кутиб турган муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

биринчидан, умумий фойдаланиладиган транспортда, шу жумладан, автобус, метро, трамвай, троллейбус йўналишларида кўрсатилган хизматлар учун ягона тўлов тизими мавжуд эмас;

иккинчидан, умумий фойдаланиладиган транспортнинг йўналишлари ўзаро мақбуллаштирилмаган, кўрсатиладиган хизматга нисбатан, шу жумладан, масофа ва вақт кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда аҳолига йўналишлар бўйича қулай тўлов шартлари таклиф этилмаган;

учинчидан, умумий фойдаланиладиган транспортда замонавий технологиялар асосида тўловларни амалга ошириш борасида аҳолига қулай шарт-шароитлар яратилмаган ва ахборот-коммуникация соҳасидаги янгиликлар соҳага кенг жалб этилмаган.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, жамоат транспортида йўловчиларни ташишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўлқира ҳақини йиғишда шаффофликни таъминлаш, умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг:

умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда автоматлаштирилган тизим деб аталади) босқичма-босқич жорий этиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини амалга оширишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича ихтисослаштирилган компанияни (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган компания деб аталади) Транспорт вазирлиги таркибидаги «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш маркази» ДУК, Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» муассислигида ташкил этилган «Aloqa Aktiv» МЧЖ ва «Ягона умумреспублика процессинг маркази» МЧЖ ҚК иштирокида устав фонди (капитали)да 12 млн АҚШ долларига тенг миқдорда томонларнинг тегишли равишда 25, 24 ва 51 фоиз улуши билан масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиш;

Ихтисослаштирилган компаниянинг устав фонди (капитали)да Транспорт вазирлигининг «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш маркази» ДУКнинг 3 млн АҚШ доллари эквиваленти миқдоридagi улушини шакллантириш учун Транспорт вазирлигининг Транспорт ва логистика соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш босқичма-босқич:

Тошкент шаҳрида «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ва «Тошкент метрополитени» УКнинг айрим йўналишларида кўрсатилган йўловчи ташиш хизматлари учун — 2020 йил 1 январдан бошлаб;

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида йўловчи ташиш хизматлари учун — 2020 йил 1 августдан бошлаб;

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида йўловчи ташиш хизматлари учун — 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади.

3. Белгилансинки:

ихтисослаштирилган компания автоматлаштирилган тизимни жорий этиш бўйича буюртмачи ҳисобланади ва автоматлаштирилган тизим оператори сифатида қатнашади;

инвестиция харажатларини қоплаш муддати давомида — 2024 йил 31 декабрга қадар ихтисослаштирилган компания хизматлари учун воситачилик тўлови автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилган тўловнинг 3 фоизигача, кейинчалик 0,8 фоизигача бўлган миқдорда ўрнатилади;

алоҳида фуқаролар тоифалари учун имтиёзли транспорт карталарини шахсийлаштириш ва карта таннархи бўйича сотиш давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда ташувчилар деб аталади) автоматлаштирилган тизимга уланиши йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи тендер (танлов) бўйича битимларда акс эттирилади;

«Ягона умумреспублика процессинг маркази» МЧЖ ҚК автоматлаштирилган тизимнинг дастурий-аппарат комплексини ишлаб чиқиш, интеграциялаштириш, жорий этишни таъминлаш бўйича ижрочи;

Транспорт вазирлиги автоматлаштирилган тизим республиканинг барча хуудларида жорий этилиши бўйича мувофиқлаштирувчи орган;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари автоматлаштирилган тизим 2020-2021 йилларда амалиётга тўлиқ жорий этилиши учун шахсан масъул ҳисобланадилар.

4. Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда автоматлаштирилган тизим учун тарифларни белгилаш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда, битта тўлов билан бир нечта транспорт ёки транспорт туридан фойдаланиш имконияти, йўналишдаги вақт ҳамда масофадан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган тариф режаларини жорий этиш, шунингдек, ушбу тарифлар бўйича тушган маблағларни ташувчилар ўртасида тақсимлаш тартиби назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўлов тизимлари ва автоматлаштирилган тизимни ўзаро интеграциялаштириш, умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини банк пластик карточкалари ёрдамида амалга ошириш, шунингдек, кўрсатилган хизматлар учун воситачилик тўловларисиз тушумлар тўлиқлигини таъминлаган ҳолда транспорт карталарини тўлдириш учун терминаллар, банкоматлар ва ахборот киоскалари орқали тўловларни қабул қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ҳамда аҳоли эътиборига етказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — транспорт вазири А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 25 ноябрь,  
948-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**887 Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 25 ноябрь,  
951-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 25 ноябрдаги 951-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан  
юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ,  
ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини  
узайтириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юримдик шахсларнинг (кейинги ўринларда солиқ тўловчилар деб аталади) мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш (кейинги ўринларда солиқларни тўлаш муддатини узайтириш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Солиқларни тўлаш муддати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан молиявий ҳолати солиқ қарздорлигини белгиланган муддатда тўлашга имкон бермайдиган юримдик шахслар учун узайтирилади.

3. Солиқларни тўлаш муддати қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда узайтирилади:

агар солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича қарздорликнинг бир марталик тўлови солиқ тўловчини иқтисодий ночорликка (банкротликка) олиб келса; солиқ тўловчининг ишлаб чиқариш ва (ёки) товарлар ва хизматлар реализацияси мавсумий хусусиятга эга бўлса;

солиқ тўловчига табиий офат, технологик фалокат ёки енгиб бўлмайдиган кучларнинг бошқа ҳолатлари натижасида зарар етказилган тақдирда.

4. Солиқларни тўлаш муддати солиқ тўловчиларга бир ойдан йигирма тўрт ойгача:

солиқ қарздорлигининг бутун суммасига ёки унинг бир қисмига (масалан, муайян санага ҳисобланган суммага) ёки келгусида юзага келадиган солиқ қарздорлигига нисбатан;

ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган бир солиқ ёки солиқларнинг бир нечта турлари бўйича узайтирилиши мумкин.

Солиқларни тўлаш муддатини навбатдаги узайтириш тўлаш муддати узайтирилган солиқ тўловчига нисбатан солиқларнинг кечиктирилган суммаси тўлиқ тўланган санадан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддатдан кейин берилиши мумкин, ушбу Низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Солиқларни тўлаш муддати 3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда узайтирилса солиқ қарздорлиги суммасига солиқ қарздорлиги учун белгиланган пеня миқдоридида фоизлар ҳисобланади.

Солиқлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар бўйича муддатнинг узайтирилиши амал қилиш даври бошлангандан бошлаб тўхтатилади.

Тўлаш муддатини узайтиришдан фойдаланганлик учун фоизлар уларга нисбатан муддат узайтирилган солиқлар бўйича қарздорлик суммаси тўланадиган кунда бир вақтда тўланади.

Тўлаш муддатини узайтиришдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаб чиқариш пеняни ҳисоблаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади ва солиқ тўловчининг шахсий карточкасида кечиктирилган солиқлар учун ҳисобланган фоизлар сифатида акс этирилади.

Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш солиқ тўловчига унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган суммага берилади.

6. Ушбу Низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатда солиқ тўлаш муддати узайтирилса, солиқ қарздорлиги суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

7. Солиқ тўловчи содалаштирилган тартибда солиқ тўлаш муддатини узайтириши учун юридик шахснинг кафиллигини тақдим этиши мумкин.

## **2-боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқларни тўлаш муддати узайтирилиши тартиби**

8. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар халқ депутатлари Кенгаши ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тегишли қарорлари асосида амалга оширилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар халқ депутатлари Кенгаши ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг солиқ тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори (кейинги ўринларда солиқ тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида қарор деб аталади) лойиҳаси тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тайёрланади.

10. Солиқ тўловчининг ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шакл бўйича солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинadиган ер солиғини ва ягона ер солиғини тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида қоғоз ёки электрон шаклда берилган ариза қарор лойиҳасини тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади, ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно:

тўлаш муддати узайтириладиган солиқлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи) бўйича ҳисобланган ва тўланган суммалар тўғрисида солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган солиштирма далолатнома, шунингдек, солиқ тўловчининг банкларда очилган барча ҳисобварақлари рўйхатини ўз ичига ол-

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган ва тўланган пеня ва жарималар тўғрисида маълумотнома;

банкларнинг: аризани топширишдан олдинги олти ойлик даврда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича пул маблағларининг ҳар ойлик айланмаси тўғрисидаги; тўланмаган ҳисоб ҳужжатларининг тегишли картотекасига жойлаштирилган ҳисоб ҳужжатлари мавжудлиги ёки ушбу картотекада уларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги; солиқ тўловчининг банклардаги барча ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиғи тўғрисидаги маълумотномаси;

контрагентлари рўйхати — улар билан тузилган шартномалар нусхаси илова қилинган ҳолда солиқ тўловчининг дебиторлари (ёки мажбуриятлар юзага келганлигининг бошқа асослари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар);

давлат солиқ хизматлари органларига охириги ҳисобот даври учун тақдим этилган молиявий ҳисобот;

солиқ тўловчининг мавсумий хусусиятга эга бўлган фаолият турларидан олган даромадлари улуши умумий даромадларининг камида 50 фоизини ташкил этишини тасдиқловчи ҳужжатлар. Мазкур ҳужжат солиқ тўловчининг товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариши ва (ёки) реализация қилиши мавсумий хусусиятга эга бўлганда солиқ тўлаш муддатини узайтириш учун тақдим этилади.

Ушбу бандга мувофиқ тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

11. Қўйидаги ҳолатларда солиқ тўловчи солиқ тўлаш муддатини узайтириш учун берилган аризага фақат қўйидагиларни илова қилади:

а) кафиллик — солиқ тўлаш муддати соддалаштирилган тартибида узайтирилиши учун. Бунда, кафил солиқ тўловчига охириги икки йилда ҳисобланган ва тўланган солиқлар бўйича давлат солиқ хизмати органининг маълумотномасини тақдим этади. Бунда, кафилнинг ушбу давр учун ҳисобланган солиқлари суммаси у томонидан тўлаш мажбурияти кафолатланган солиқ миқдори бўйича тўлаш муддати узайтирилаётган солиқ суммасининг уч бараваридан (бир йилга ҳисоблаганда) кам бўлмаслиги керак. Кафиллик объект жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органи ва кафиллик берувчи ўртасида фуқаролик конунчилигига мувофиқ тузилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва тегишли пеня суммалари белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, кафиллик берувчи солиқ тўловчининг мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

Тўлаш мажбурияти кафиллик билан таъминланган солиқлар белгиланган муддатда солиқ тўловчи томонидан тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган ҳолларда, давлат солиқ хизмати органи солиқни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати тугаган кундан бошлаб беш кун мобайнида кафилга кафиллик шартномаси бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисида талабномани жўнатади.

Агар кафил кафиллик шартномаси бўйича пул суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани белгиланган муддатда бажармаса, давлат солиқ хизма-

ти органи кафилдан унинг кафиллиги билан таъминланган суммаларни мажбурий ундириш чораларини кўради.

Кафиллик шартномасига мувофиқ кафил ўзига олган мажбуриятларни бажаргач, ўзи томонидан тўланган солиқ суммаларини, шунингдек, мазкур солиқлар бўйича фоизлар ҳамда солиқ тўловчининг мажбуриятларини бажариш натижасида етказилган зарарларни солиқ тўловчидан ундириш ҳуқуқи кафилга ўтади.

б) технологик ҳалокат ёки енгиб бўлмайдиган бошқа куч ҳолатлари натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар бўйича солиқларни тўлаш муддати узайтирилишида — табиий офатлар, технологик ҳалокат ёки енгиб бўлмайдиган кучнинг бошқа ҳолатлар натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар қиймати тўғрисида ваколатли органнинг (ташкилотнинг) эксперт хулосаси.

12. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- а) тўлаш муддати узайтирилаётган солиқ тури;
- б) тўлаш муддати узайтирилаётган солиқ тури бўйича қарздорлик миқдори;
- в) тўлаш муддати узайтирилаётган ҳар бир солиқ тури бўйича муддат;
- г) тўлаш муддати узайтирилаётган ҳар бир солиқ тури бўйича тўлаш муддати ва тартиби.

Айрим ҳолларда солиқларни тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорда кафиллик тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади.

13. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ тўловчининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинади.

14. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор у қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради. Бунда ҳисобланадиган пеня солиқ тўлаш учун белгиланган кундан мазкур қарор кучга кирадиган кунга қадар бўлган бутун давр учун, агар кўрсатилган тўлаш муддати мазкур қарор кучга кирадиган кундан олдин келса, қарздорлик суммасига қўшилади.

15. Агар солиқларни тўлаш муддати кафиллик бўйича узайтирилса, тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор кафиллик тўғрисидаги шартнома тузилгандан сўнг кучга киради.

16. Солиқларни тўлаш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин:

солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши билан боғлиқ жиноят белгиларига кўра жиноят иши қўзғатилган бўлса;

солиқ тўлаш шартлари бузилиши муносабати билан олдин тақдим қилинган тўлаш муддати узайтирилишининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса;

солиқ тўловчини тугатиш амалга оширилганда.

17. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки уни рад қилиш тўғрисидаги қарор нусхаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунда солиқ тўловчига ва солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати органига юборилади.

### **3-боб. Солиқларни тўлаш муддатини узайтиришнинг амал қилишини тўхтатиш**

18. Солиқларни тўлаш муддати узайтирилишининг амал қилиши қарорнинг амал қилиш муддати тугагач ёхуд қуйидаги ҳолларда бундай муддат тугагач тўхтатилиши мумкин:

белгиланган муддат тугагунга қадар солиқ қарздорлигининг барча кечиктирилган суммалари тўланганда;

тўлаш муддати узайтиришлиши амал қилишини ихтиёрий тўхтатиш тўғрисида солиқ тўловчининг аризасига асосан;

солиқ тўловчини тугатиш тартиби бошланганда.

19. Давлат солиқ хизмати органи ушбу Низомнинг 18-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда солиқларни тўлаш муддатини узайтириш белгиланган муддатидан олдин тўхтатилганлиги тўғрисида солиқ тўловчини ва маҳаллий давлат ҳокимияти органини хабардор қилиши шарт.

### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Давлат солиқ хизмати органлари мазкур Низом талабларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

21. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган ахборот асосида алоҳида ҳисоб юритилади.

22. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш бўйича солиқлар суммалари ўз вақтида тўланишини назорат қилиш давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 25 ноябрдаги 951-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани

ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 2 октябрдаги 281-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., № 10-сон, 71-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарори)» 2018 йил 22 майдаги 384-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 121-модда) 1-илованинг 9-банди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **888 Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ:

техникани маҳаллийлаштиришнинг базавий даражасини аниқлаш учун ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг барча турлари бўйича ҳужжатларни юқорида қайд этилган низомга мувофиқ икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказига тақдим қилсин;

2019 йил 10 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросервис» АЖ ва тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжали-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 ноябрда эълон қилинган.

ги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли қароридан назарда тутилган субсидиялар ва компенсациялар тақдим қилинишини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига зарур маблағлар учун бюджет талабномаси асосланган ҳисоб-китоб ва ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг маҳаллийлаштириш базавий даражаси тўғрисидаги маълумотни ўзида акс эттирган электрон маълумотлар базасининг яратилишини ва вазирлик расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ билан биргаликда техникани маҳаллийлаштириш даражасининг ошишини ҳисобга олган ҳолда, республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишда субсидияларни тақдим қилиш механизмнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида 2020 йил якунига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли қароридан назарда тутилган субсидияларни тақдим қилиш ва компенсацияларни тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси буюртмасига асосан 2020-2021 йилларга мўлжалланган Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 ноябрь,  
952-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 26 ноябрдаги 952-сон қарорига  
ИЛОВА

## Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом республикада қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун субсидияларни тақдим этиш, шунингдек хорижда хизматлар кўрсатиш (хизматларни экспорт қилиш) мақсадида комбайнларни ташиш учун транспорт харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг маҳаллий ташкилоти** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи ташкилот;

**қишлоқ хўжалиги техникаси** — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари;

**харидор** — ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, пахта-тўқимачилик ташкилотчилари ва кластерлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган қишлоқ хўжалигида механизациялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар;

**ҳисобварақ-фактура** — қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳақиқатдан сотилганини тасдиқловчи, маҳаллийлаштирилганлик даражасини кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги техникаси нархини ўз ичига олган ҳужжат ёки шартнома;

**субсидия** — маҳаллийлаштириш даражаси 20 фоиздан кам бўлмаган республикадаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишда ушбу техника қийматининг 15 фоизини қоплаш мақсадида харидорга ажратиладиган маблағлар;

**компенсация** — хорижда хизматлар кўрсатиш (хизматларни экспорт қилиш) мақсадида комбайнларни ташиш учун транспорт харажатларининг 80 фоизини қоплаш учун ажратиладиган маблағлар;

**маҳаллийлаштириш даражаси ҳақида сертификат** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий бланкасидаги қишлоқ хўжалиги техникасини маҳаллийлаштириш даражасини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) хулосаси;

**транспорт харажатлари** — юкларни транспортда ташиш ва комбайнни Ўзбекистон Республикаси ташқарисида белгиланган жойга етказиб бериш вақтида юкларни суғурталаш харажатлари.

3. Субсидияларни ажратиш ва компенсацияларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Субсидияларни ажратиш ва компенсацияларни тўлаш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ўзининг расмий веб-сайтида субсидиялар ажратиш ва компенсацияларни тўлашга ажратилган бюджет маблағлари миқдори тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради, шунингдек уларнинг ўзлаштирилиши ва қолдиғи ҳақидаги маълумотларни янгилаб боради.

## **2-боб. Субсидияларни тақдим этиш тартиби**

6. Субсидиялар фақат харидор томонидан сотиб олинган кунда ишлаб чиқарилгани бир йилдан ошмаган янги қишлоқ хўжалиги техникаси учун ажратилади.

7. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникасининг маҳаллийлаштирилганлик даражаси Марказ томонидан аниқланади.

8. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари ҳар йили 10 январдан кечиктирмай Марказга қўйидагиларни тақдим этади:

а) мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ ариза;

б) ушбу Низомнинг 3-илласига\* мувофиқ, раҳбар ва бош бухгалтер томонидан тасдиқланган ишлаб чиқарилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг параметрлари ва таннарх калькуляцияси;

в) қўйидаги ҳужжатлар нусхаси:

ишлаб чиқарувчи ҳақида, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё ва бутловчи қисмлар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (хом ашё ва бутловчи буюмларни етказиб бериш шартномалари, импорт қилинадиган бутловчи буюмлар ва материаллар учун ҳисобварақ-фактуралар ёки юк божхона декларациялари (ЮБД), Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган бутловчи қисмлар ва материаллар учун ҳисобварақ-фактуралар);

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш технологик жараёнини амалга ошириш имконини берадиган ҳужжатлар нусхаси.

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларига маҳаллийлаштириш даражаси тўғрисидаги сертификат тақдим этилганлиги учун Марказ томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Ўттиз кун ичида қайта мурожаат қилинган тақдирда, тўлов ундирилмайди. Агар ўттиз кундан сўнг қайта мурожаат қилинса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравар миқдорида тўлов ундирилади.

Импорт бутловчи қисмлар ва материаллар етказиб берувчиларнинг алмашиши, олиб келинадиган бутловчи қисмлар ва материаллар нархининг

---

\* 1 — 3-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўзгариши, маҳаллий бутловчи қисмлар ва материаллар ўрнига хориждан шундай бутловчи қисмлар ҳамда материаллар сотиб олиниши сабабли маҳаллийлаштириш даражаси йўл қўйиладиган даражадан пасайиб кетганда, маҳаллийлаштириш даражаси тўғрисидаги сертификат ўз кучини йўқотди. Бундай ҳолатда маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳаллий ташкилотлари Марказни бир ой муддатда хабардор қилиши шарт.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи ташкилот раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллийлаштириш даражаси тўғрисидаги сертификатдан мақсадли ва асосли равишда фойдаланиши учун жавобгардир.

Маҳаллийлаштириш даражаси ҳақидаги сертификатдан асоссиз фойдаланилганда, яъни маҳаллийлаштирилганлик даражаси 20 фоиздан кам бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси сотилганда, ишлаб чиқарувчи ташкилот ўз маблағлари ҳисобидан ушбу конкрет техника бирлиги учун ажратилган субсидия маблағини Жамғармага қоплаб беради.

9. Марказ ҳар йили январь ойининг 25 санасидан кечиктирмай маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилаётган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллийлаштиришнинг базавий даражалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган электрон маълумотлар базасини янгилайди.

Келгусида Марказ юқоридаги электрон маълумотлар базасини йил давомида камида чоракда бир марта мунтазам равишда янгилаб туради.

10. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари мазкур Низомнинг 8-бандига асосан зарур ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг Марказ беш иш куни давомида қишлоқ хўжалиги техникаси параметрлари ва таннарх калькуляциясини кўриб чиқади ва ташкилотга маҳаллийлаштириш даражаси ҳақида сертификат беради.

11. Мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган зарур ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, Марказ маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларига ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш учун қайтариб беради.

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари ҳужжатларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга ва ўттиз кун ичида уларни қайта тақдим қилишга ҳақлидир.

Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари томонидан тушган қайта мурожаати асосида Марказ тақдим этилган ҳужжатларни беш иш кунида кўриб чиқади.

12. Маҳаллийлаштириш даражаси ҳақида сертификат тақдим этилганидан сўнг Марказ уч иш кунида сертификат олган маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари реестрини унга сертификатлар нусхаларини илова қилиб ва қишлоқ хўжалиги турларини кўрсатган ҳолда Жамғармага тақдим қилади.

13. Харидор олди-сотди тўғрисида шартномани тузганидан сўнг шартнома шартларига мувофиқ маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларига техниканинг қийматини тўлаб беради.

Қишлоқ хўжалиги техникаси сотилаётганида шартномада ва ҳисобварақ-фактурада сотилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг маҳаллийлаштирилганлик даражаси ҳақидаги сертификатга мувофиқ маҳаллийлаштирилганлик даражаси кўрсатилиши шарт. Ҳисобварақ-фактурага маҳаллийлаштириш даражаси ҳақида сертификат нусхаси илова қилинади.

14. Харидор шартнома шартларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси учун тўловни амалга оширганидан сўнг қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия олиш учун Жамғармага қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

а) мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;

б) шартнома шартларига мувофиқ тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи шартнома, ҳисобварақ-фактура, тўлов ҳужжати нусхаси.

15. Жамғарма, мазкур Низомнинг 14-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларни беш иш куни давомида ўрганиб чиқади ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, беш иш куни давомида ушбу мақсадларда Жамғармага ажратилган бюджет маблағлари доирасида субсидия ажратади.

Қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи миқдоридаги субсидиялар пул маблағларини харидорнинг аризада кўрсатилган банк ҳисобрақамига ўтказиш орқали ажратилади.

16. Жамғарма қуйидаги ҳолларда субсидия ажратилишини рад этади:

республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг маҳаллийлаштирилганлик даражаси 20 фоиздан кам бўлса;

қишлоқ хўжалиги техникаси имтиёзли шартларда бюджет маблағлари, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлари кредитлари ёки бошқа субсидияларни тақдим қилиш шартлари асосида сотиб олинган бўлса;

мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаган бўлса.

Харидор аниқланган камчиликларни бартараф этишга ва ўттиз кун ичида ҳужжатларни қайта тақдим қилишга ҳақли.

Харидор қайта мурожаат этганда, Жамғарма беш иш куни давомида мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни кўриб чиқади ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, беш иш куни давомида қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия ажратади.

### **3-боб. Хорижда хизматлар кўрсатиш (хизматларни экспорт қилиш) учун комбайнларни ташиш транспорт харажатларини компенсация қилиш тартиби**

17. Қишлоқ хўжалигида механизация хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ташкилотлар ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ҳар ойнинг йигирманчи санасидан кечикмай мазкур Низомга 4-иловага\* асосан шаклга мувофиқ хорижда хизматлар кўрсатиш (хизматларни экспорт қилиш) учун комбайнларни ташиш бўйича амалга оширилган транспорт харажатлари тўғрисидаги йиғма ахборотни Жамғармага тақдим қилади.

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Йиғма ахборотга қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар мажбурий тартибда илова қилинади:

- а) мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;
- б) транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш учун шартнома нусхаси;
- в) юкларни транспортда ташиш бўйича кўрсатилган хизматлар далолатномаси;
- г) транспорт харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси;
- д) қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома нусхаси, шунингдек, хизматлар кўрсатилганлигини ва улар бўйича тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

18. Жамғарма қишлоқ хўжалигида механизация хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ташкилотлар томонидан тақдим этилган мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган ҳужжатларни беш иш кунда кўриб чиқади ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, беш иш кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида компенсация ажратади.

Хорижда хизматлар кўрсатиш (хизматларни экспорт қилиш) учун комбайнларни ташиш бўйича амалга оширилган транспорт харажатларининг 80 фоизи миқдоридаги компенсация қишлоқ хўжалигида механизация хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ташкилотлар банк ҳисобрақамига маблағ ўтказиш йўли билан ажратилади.

19. Мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатилган зарур ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, Жамғарма уларни пухта ишлаб чиқиш учун қайтариб беради.

Қишлоқ хўжалигида механизация хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ташкилотлар аниқланган камчиликларни бартараф этишга ва ўттиз кун ичида уларни қайта тақдим қилишга ҳақлидир.

Қишлоқ хўжалигида механизация хизматларини кўрсатувчи маҳаллий ташкилотлар қайта мурожаат қилганда Жамғарма тақдим этилган ҳужжатларни беш иш кунда кўриб чиқади ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда беш иш кун давомида хизматлар кўрсатиш (хизматларни экспорт қилиш) учун комбайнларни ташиш бўйича амалга оширилган транспорт харажатларининг 80 фоизини компенсация қилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси харидорларидан субсидия ва компенсация олиш учун қонунчилик ва мазкур Низомда кўзда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

21. Ташкилотлар раҳбарлари тайёрланаётган ва тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ишончилиги ва асослантирилганлиги юзасидан қонунчиликка мувофиқ масъул ҳисобланади.